



# TIL VA ADABIYOT TA'LIMI



Суратда Наманган вилояти  
Мингбулоқ туманидаги 43-мактабнинг  
она тили ва адабиёт ўқитувчиси,  
Халқ таълими аълочиси Омонбой  
МАҲКАМОВ

№ 9  
2010

А

## Мундарија

<b>Barkamol avlod – mamlakat kelajagi</b>	
Oygul AHMEDOVA. Folklordagi diniy motivlarning ommaviy axborot vositalarida yoritilishi.....	3
<b>Metodika</b>	
G'ofir HAMROYEV. Ona tili darslarida fonetika ustida ishlash ..	10
Qunduzxon HUSANBOYEVA. Hadislar ma'naviy komillik sari yetaklovchi omil sifatida .....	14
Omonboy MANKAMOV. 9-sinfda Furqatning «Sayding qo'ya ber, sayyod» musaddasini o'rganish tajribasidan.....	25
<b>Adabiyotshunoslik</b>	
Марзия ҚАЛАНДАРОВА. Данте ва Навоий ижодидаги муштараклик .....	32
Абдуваҳоб ЭШМУРАТОВ. «Холдорхон» достониغا хос баъзи лексик хусусиятлар.....	36
Чори БАДАЛОВ. Тоғай Муроднинг миллий қахрамонлар тимсолини яратишдаги усули .....	44
Мавлон БОБОХОНОВ. Интерьер ва қахрамон руҳияти .....	51
<b>Adabiy taqvim</b>	
Шоира НОРМАТОВА. Юрт ва озодлик куйчиси .....	59
<b>Matnshunoslik</b>	
Манзар АБДУЛХАЙРОВ. Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафойс» асари матнини тадқиқ этиш усуллари .....	70
Зилола ШУКУРОВА. Рабғузийнинг «Қисасул анбиё» асари нусхалари ҳақида.....	76
<b>Chet tilini o'qitish masalalari</b>	
Наргиза ТҶХТАХҶАЕВА. Инглиз тилидаги <i>happiness</i> концептининг лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида .....	81
<b>Lug'atshunoslik</b>	
Дилноза АБДУВАЛИЕВА. «Тарихи мулуки Ажам»даги полисемантик сўзлар хусусида.....	87
<b>So'rgan ekansiz</b>	
Ёрқиной СУЛТОНОВА. Маъдалихон .....	94

Fe  
Pec  
axboro  
kin. C  
o'qituv  
larni, r  
Tarbiya  
O'zbeki  
ma'lum  
ularda  
ommaviy  
targ'ib  
Ma'  
ibtidoiy  
Insoniy  
qarashl  
xos bo'  
Hoz  
O'zbeki  
boshlab  
sifatida  
sifatida  
tarixi o'r  
«Din  
Preziden  
barqaron  
tabiatida  
bir qanc

2. Қаранг. А.К.Боровков. «Мажолис ун-нафоис» (собрание редкостных). Известия АН СССР отд. литературы и языка. 1947, вып.6.; А.Н.Болдырев. Персидские переводы «Мажолис ун-нафоис» Алишера Навои. Ученые записки ЛГУ. Серия востоковедческих наук. 1952, №128, вып.3.; Алишер Навоий. Мажолис ун-нафоис: Илмий танқидий матн / Тузувчи С.Ғаниева. Т., 1961.; С.Ғаниева. Давр адабий ҳаёт кўзгусида // Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис». Илмий танқидий матн. Т.: Фан, 1981.; Р.Воҳидов. «Мажолис ун-нафоис»нинг форсий таржималари. Т., 1987.

3. Д.С.Лихачев. При участии А.А.Алексеева и А.Т.Боброва. Текстология на материале русской литературы X–XVII веков. СПб: Алетейя, 2001. С. 90–91.

4. Алишер Навоий. «Мажолис ун-нафоис» // Мукаммал асарлар тўплами. 13-жилд. Т.:Фан, 1997. 284-б. (Кейинги мисоллар ҳам шу манбадан олинган бўлиб, саҳифаси қавс ичида кўрсатилган).

5. В.Н.Перетц. Из лекций по методологии истории русской литературы. История изучения. Методы. Источники. (Корректурное издание на правах рукописи). Киев, 1914. С.276.

6. Фарҳанги забони тоҷики (аз асри X то ибтидои асри XX). Т.1. М.:Советская энциклопедия, 1969. С.653.



## Рабғузийнинг «Қисасул анбиё» асари нусхалари ҳақида

Носириддин Рабғузий XIII аср охири XIV аср бошларида яшаб ижод этган, ўзбек бадиий насрининг илк намунасини яратган адибдир. Маълумки, Чингизхон истилоسىдан кейинги даврда илм-фан, маданият таназулга юз тутди, шундай бир пайтда Рабғузий пайғамбарлар ҳақида ёзилган «Қисаси Рабғузий» асари орқали ўзбек адабиётини бир поғона юқорига кўтарди. Муаллиф ҳақида қадимий манбаларда ҳеч қандай маълумот учрамасам-да, асар муқаддимасидан унинг асли кимлиги, қандай лавозимда ишлаганини билиш мумкин. Унда ёзувчи ўзи ҳақида: «Бу китобни тузган, тоат йўлида тизган, масият ёбонин кезган, оз озғулиғ работ

ўғузининг қозиси Бурҳониддин ўғли Носириддин»<sup>1</sup> дея маълумот беради.

Демак, адиб Хоразмнинг Работи ўғуз деган мавзесидан бўлиб, у ерда қозилик қилган. Рабғузий унинг тахаллуси бўлиб, «Работи ўғуз» жой номидан олинган.<sup>2</sup> Муаллиф ўз асарини асли мўғул бекларидан бўлиб, ислом динини қабул қилган Носириддин Тўқбуғанинг илтимосига кўра ёзганини келтиради. Асар ўз даврида жуда машхур бўлиб, котиблар томонидан бир неча нусхада кўчирилиб, тарқатилган, хорижий тилларга таржима қилинган. Аммо тарихда юз берган турли урушлар натижасида бу асар нусхаларининг аксарияти талафот кўрган.

«Қисаси Рабғузий» асарининг ўтмишда турли савиядаги котиблар томонидан кўчирилган бир неча қўлёзма нусхалари мавжуд бўлиб, улар дунёнинг турли қутубхона ва қўлёзма фондларида сақланмоқда. Ана шундай нусхалардан бирининг факсимилеси машхур матншунос К.Гронбек томонидан 1948 йили Копенгагенда нашр қилингани маълум.<sup>3</sup>

Мустақилликка эришганимиздан сўнг миллий ва диний қадриятларимиз, урф-одатларимиз қайта тикланиб, ота-боболаримиз қолдирган маънавий меросга муносабат мутлақо ўзгарди. Қадимий қўлёзмаларни излаб топиш ва уларни атрофлича ўрганиш йўлида бир қанча амалий ишлар бажарилди. Чунончи, Ўзбекистон фанлар академияси мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Э.И.Фозилов, филология фанлари номзоди А.Юнусов, Ҳ.Дадабоев, Ю.Шокировлар раҳбарлигида 1990 йили «Ёзувчи» нашриётида Рабғузийнинг «Қисасул анбиё» асари «Қисаси Рабғузий» номи билан 2 жилд ҳолида нашр этилди. Ҳозирги кунда бу асарнинг бир неча қўлёзма нусхалари Ўзбекистон Республикаси ФА

Шарқшунослик институти кутубхонасида Р 13042, 10252, 7397, 1834, 6227, 11537, 6346, 6685, 6127, 11202 инвентарь рақами билан сақланмоқда.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида ёдгорлик Тошкент, Қозон шаҳарларида литографик усулда бир неча марта нашр қилинган. Асарнинг тўлиқ матни илк марта рус туркийшунос олими Н.И.Илминский томонидан 1859 йили Қозон шаҳрида чоп этилган. Бу нашр нисбатан кейинроқ кўчирилган нусхага асосланган бўлиб, тил жиҳатдан асл нусхадан анча фарқ қилади.<sup>4</sup> Биз кўйида ЎзРФА Шарқшунослик институти кутубхонасида сақланаётган асар нусхаларидан айримларининг қисқача тавсифини келтирамиз.

13042 инвентарь рақами остида сақланаётган «Қисасул анбиё» форсий тилда бўлиб, асар Тошкентда Муллахон замонида Ўрда қалъаси Музей деган жойда Мухаммад Мулла Баҳодирхон Одил томонидан ҳижрий 1277 (милодий 1860) йилда кўчирилган. Китоб 437 ва рақдан иборат.

Асарнинг 7397 рақами остида сақланаётган нусхаси туркий тилда битилган бўлиб, котиб Эшонкули ибн Қулмухаммадқози томонидан ҳижрий 1291 (милодий 1874) йилда кўчирилган. Котиб асар бошида «аммо бу китоб 72 қисса бирла тамом бўлғусидур» дея унинг мундарижасини келтирган. Шундан сўнг яна мустақил 12 фасл мундарижаси берилиб, уларда Одам (а.с)нинг яратилиши, унга жон ато этилиши ва рафиқаси Момо Ҳавонинг яратилиши ҳамда Азозил фариштанинг Одам(а.с)га сажда қилмаганлигининг баёни берилган. Шунингдек, ҳар бир қисса, ҳажмига кўра, махсус фаслларга ажратиб кўрсатилган. Масалан, Одам (а.с) ҳақидаги қисса 11 фасл, Мусо (а.с) қиссаси 10 фаслдан иборат.

Асарда баъзи ҳикоят ва қиссалар сюжети таркибига «назм», «байт» атамалари остида 2 мисрадан 18 мисрагача бўлган турли жанрлардаги шеърлар киритилган. Бу шеърлар мавзусига кўра, илоҳий ишқ, инсоннинг инсонга бўлган севгиси, Ватанга муҳаббат, ота-она ва фарзанд муносабатларига бағишланган бўлиб, панд-насиҳат руҳида яратилган. Масалан:

*Тилингни табо тут тишинг синмасун,*

*Бу тургон халойиқ санга кулмасун. (32-б.)*

Ушбу байтда муаллиф ўйламай гапирилган сўз инсонга ташвиш келтириши, одамлар орасида хурматсизликка сабаб бўлиши ҳақида огоҳлантирган.

Шунингдек, асарда бир неча ғазаллар ҳам берилган бўлиб, улар турли шеърий санъатлар билан безатилган. Масалан, Сулаймон (а.с) ҳақидаги қисса таркибидан ўрин олган куйидаги байтни кўрайлик:

*Тиши йинжу ё гавҳар, сўзидур шахду ё шакар,*

*Ки оғзи чашмаи кавсар беҳишти таҳ-таҳо ал анҳор  
(Қўлэзма, 391-б.)*

*Ажойиб нозанин кўрдим, юзидур равнақи гулзор,*

*Қамар талъат, пари пайкар, фаришта, хўбу гулрухсор.*

Тузилиши жиҳатдан ғазал жанрига мансуб бўлган бу шеър а-а, б-а, в-а тарзида қофияланган бўлиб, унда тажохули ориф, лафф ва нашр каби санъатлар ғоятда моҳирлик билан қўлланилган.

6227 рақами остида сақланаётган «Қисасул анбиё» нусхаси юқоридаги нусхадан сал кейинроқ, яъни ҳижрий 1300 (милодий 1883) йилда битилган. Асарнинг бу нусхасини 7397 рақами остида сақланаётган нусха билан солиштирганимизда қўлэмалар тузилишида тафовут дегарлиги кўзга ташланмайди, бироқ лексик жиҳатдан баъзи фарқлар мавжуд. Хусусан, қўлэзмадаги айрим ҳикоялар

1990 йилда нашр этилган нусхада учрамайди. Маса-лан, Сулаймон (а.с.) ҳақидаги қиссада келтирилишича, олти ойлик бола тегирмон новининг учига бораётган пайтда Сулаймон (а.с.) эътиборини ўзига тортади ва у бир тўда болани унинг ёнига олиб боради. Олти ойлик чақалоқ болаларни кўриб улар томон талпинади. Шунда Сулаймон (а.с.) Аллоҳ Таолодан чақалоққа нутқ бери-шини сўрайди. Дуоסי қабул бўлгач, ундан нега тегирмон новига борганлигини сўраса, чақалоқ гуноҳсиз пайтда ўлмақчи бўлгани, лекин ўзига ўхшаш тенгурларини кўриб бу фикрдан қайтганлигини айтади.

Ўзига хос фалсафий мазмунга эга бўлган бу ҳикоя китобхонни мулоҳазага ундайди. Олти ойлик чақалоқнинг жавоби орқали ҳаётий ҳақиқатни акс этти-рган Рабғузий инсонларни ҳалол яшашга, Яратанга ий-мон келтиришга, меҳнатсеварликка ундайди. Юқоридаги асар нусхаларини 1990 йил «Ёзувчи» нашриётида чоп этилган вариант билан қиёслаганимизда, бу бадий лавҳа ва шеърый парчалар тушиб қолганини аниқладик. Шу жиҳатдан олиб қараганда, асар турли даврлар ва шароитларда кўчирилиши натижасида нафақат лексик қатлами жиҳатидан, балки мазмунан ҳам, оз бўлса-да, ўзгаришга учраганини кўриш мумкин.

**Зилола ШУКУРОВА,**  
**Низомий номидаги ТДПУ аспиранти.**

<sup>1</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1990. 1-жилд. 10-б.

<sup>2</sup> Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 1 жилд. Т.: Фан, 179-б.

<sup>3</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1990. 1-жилд. 8-б.

<sup>4</sup> Ўша асар, ўша бет.

## CHET TILINI O'QITISH MASALALARI

### Инглиз тилидаги *happiness* концептининг лексик-семантик хусусиятлари тўғрисида

Тилшунослиқда онгнинг ақлий ва руҳий захиралари бирлиklarини таърифлаш учун сўнги йилларда **кон-цепт** термини кенг қўлланилмоқда. Концептга лисоний-маданий жиҳатдан ёндашув уни маданиятнинг таянч бирлиги сифатида қабул қилишни тақозо этади ва маъ-лум бир маданият билан боғлиқ бўлган тушунчаларни ўзида акс эттиради.

**Концепт** – ментал тушунча бўлиб, уни ўрганишга когнитив ва лингвوماданий жиҳатдан ёндашиш мумкин. Когнитив жиҳатдан ёндашувда тушунчанинг инсон та-фақури билан чамбарчаслиги асосий ўринни эгалласа, лингвوماданий ёндашувда концептнинг маданият билан боғлиқ жиҳатлари кузатилади.<sup>1</sup>

Инглиз тилидаги маданият билан боғлиқ бўлган ва тафаккурда ўз аксини топган концептлардан бири ***happiness*** (*бахт*) концептидир. *Бахт* сўзи турли тил-ларда турлича жаранглайди. Азалдан барча халқлар «Бахт нима?» деган саволга жавоб излаганлар. Ҳар бир халқ ўз маданияти, дунёқараши, замон руҳидан ке-либ чиқиб унга таъриф беришга уринган. Демак, бахт концепти универсал тушунча бўлиб, у ҳар бир тилда ўзининг миллий-маданий хусусиятларига эга. Инглиз тилидаги *happiness* концепти шу тилда сўзлашувчи халқларнинг бахт тушунчасига бўлган муносабати, хис-туйғуларининг ифодаси, тасаввур, орзу-умидлари, иде-



# TIL VA ADABIYOT TA'LIMI



Суратда Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 288-мактабнинг она тили ва адабиёт ўқитувчиси, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танлови шаҳар босқичи ғолиби Гулноз НУРМАТОВА

№ 3  
2010

*A*

## Mundarija

### 2010-yil – Barkamol avlod yili

**Intizor RAHIMOVA.** Adabiy ta'limdagi uzviylik va uzluksizlikni ta'minlash haqida..... 3

### Mutaxassislik tili

**Нишонбой ҲУСАНОВ, Эркин ЮСУПОВ.** Ихтисослик тилига ўргатишнинг мақсад ва вазифалари..... 11

### Metodika

**Gulnoz NURMATOVA.** 6-sinfda Abdulla Qahhorning «Bemor» hikoyasini o'rganish..... 15

**Shukrullo MARDONOV, Baxtiyor MIRKOMILOV.** Mumtoz asarlarni o'rganishda miniaturalardan foydalanish ... 20

### Tilshunoslik

**Азамат ПАРДАЕВ.** Тилимиздаги айрим функционал кўмакчиларнинг семантик-услубий хусусиятлари..... 31

### Adabiyotshunoslik

**Зилола ШУКУРОВА.** «Қисаси Рабғузий»да эртак мотивлари ..... 36

**Муқаддас ТОЖИБОЕВА.** Исҳоқхон Ибрат ижодида мумтоз шеърий шакллар..... 41

### Adabiy taqvim

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ.** Табиий туйғуларнинг самимий ифодаси..... 48

### Lug'atshunoslik

**Алишер УБАЙДУЛЛАЕВ.** Ҳиндистонда яратилган туркий луғат ..... 72

### Qiyosiy tilshunoslik

**Ҳабибулло БОЙМАНОВ, Уткир УСКЕНБАЕВ.** Немис ва ўзбек тилларидаги сифатларнинг қиёсий типологияси..... 78

### Tarjimashunoslik

**Тўлқин САЙДАЛИЕВ.** Аслият ва таржимада бадиий маҳорат..... 84

## ADABIYOTSHUNOSLIK

### «Қисаси Рабғузий» да эртақ мотивлари

XIII аср охири XIV аср бошларида яшаб ижод этган шоир ва ёзувчи Носириддин Бурҳониддин Рабғузий ўзининг «Қисаси Рабғузий» асари билан туркий халқлар адабиётида муҳим ўрин тутади. Адиб қисса ва ҳикоятлардан иборат бўлган бу асари билан адабиётимиз тарихида бадийий насрнинг илк намунасини яратиб, шу жанрга асос солди. «Қисаси Рабғузий» тузилиши жиҳатидан ҳам, мазмуни, ғоявий йўналиши, образлар тизими, бадийий нафосати, турли поэтик унсурларнинг қоришиб келиши нуктаи назаридан ҳам ўзига хосдир. Бунинг билан Рабғузий (а.с.) ҳақидаги қиссада кўришимиз мумкин. Рабғузий ўз асарида Юсуф (а.с.) образини яратиб, оғзаки ижод намуналаридан фойдаланган. Шунинг учун қиссада халқ оғзаки ижоднинг мақол, ибора, латифалар билан бир қаторда эртақ жанрига хос унсурлар ҳам кўзга ташланади.

Қуръондаги «Юсуф» сурасига Алоуддин Мансур берган изоҳида бу мавзунинг ўта мутаассирлиги, қалам аҳлининг жилд-жилд китоблар, шеър унсурлар битишга илҳомлантиргани уқтирилади.<sup>1</sup> Чунки «Юсуф» сураси ва бир бадийий асардек ўқилади.

Юсуф қиссаси Таврот орқали ҳозирги Ғарб, Қуръони Карим орқали эса Шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётларида оғиздан оғизга, китобдан китобга кўчиб юради. Ўзбек адабиётига илк бор Юсуф қиссаси 1233 йил шоир

### Adabiyotshunoslik

Али Туркий яратган «Қиссаи Юсуф» достони туфайли кириб келган.<sup>2</sup> Ундан сўнг Рабғузий 1309–1310 йилларда ёзилган «Қисса ул-анбий» асарида «Юсуф ва Зулайҳо» қиссасини киритган. Дастлаб Абулқосим Фирдавсий, XIV аср ўрталарида эса шоир Шохий Шерозий форс-тожик тилида «Юсуф ва Зулайҳо» достонларини яратган.<sup>3</sup>

Рабғузий «Қисаси Рабғузий» асарида Юсуф (а.с.) ҳақида қуйидагича ҳикоя қилади: «Юсуф (а.с.) Яъқуб(а.с.)нинг олтинчи хотини Роҳиланинг ўғли бўлиб, ошпақ бўлади. Тушида барча ака-укалар ерга таёқ тиқадилар. Уларнинг таёқлари кўкаради, лекин ўсмайди. Юсуф (а.с.)нинг таёғи эса кўкариб, биринчи қават осмонга қадар ўсади. Биродарларнинг таёқлари қават осмонга сажда қилади. Иккинчи кун яна туш кўради. Тушида ўн бир юлдуз, ой ҳамда кўёш Юсуф (а.с.)га сажда қилади. Воқеадан хабар топган акалари Юсуф (а.с.)дан ўч олиш учун оталаридан рухсат сўраб уни далага сайрга олиб чиқишади. Оталарининг кўз ўнгида укалари Юсуф (а.с.)ни опичлаб юриб, ундан узоқлашгач, унинг қўл-оёғини боғлаб, кийимларини ечиб, қудуққа ташлаб юборишади. Оталарига Юсуфни бўри еди деб, унинг кўйлагига қон суртиб олиб боришади. Бу хабардан ҳушсиз қолган Яъқуб (а.с.) ўғилларига Юсуфни еган бўрини топиб келишни буюради. Ўғиллар саҳрога чиқиб йўлда учраган бир бўрини ушлаб, унинг оғзига қон суртиб олиб боради. Яъқуб (а.с.) «Илоҳий, бу бўрига тил берил сўзлашайин» деб илтижо қилади. Аллоҳнинг амри билан бўри тилга кириб: «...Ман Юсуфни кўрмишим йўқ. Уч кун бўлди очман, кўзум ёруқи ўғломимни йиғиб турурман. Ул аччиғдин уч кун бўлди ош ёмишим йўқ. Ўғломимни тилаюрда бу ёлгончилар мани тутуб

оғзимга қон суртуб санга келтурдилар. Эй Яъқуб, дуо қилгил, бўлғайким санинг дуойинг баракотинда ўғлумни манга рўзи қилғай»<sup>4</sup>, деб йиғлайди.

Қиссадаги бўри образи асар қаҳрамонига воқеа тугунини ечишга, масалани ойдинлаштиришга хизмат қилган. Шу билан бирга, унинг тилга кириши ўзининг қисматида ҳам муҳим ўрин тутади. Оғалар қабихлигининг фош бўлиши ва Яъқуб дуосининг ижобат бўлиши туфайли бўри йўқотган боласини топиб, мурод-мақсадига етади. Халқ эртакларида учрайдиган ҳайвонларнинг тилга кириб асар қаҳрамонларига ёрдам бериши ва бунинг натижасида улар мурод-мақсадига етишиши каби элементлар мазкур асардаги Юсуф (а.с) қиссасига детал сифатида мутаносиб келган ва ёзувчи ижодий ниятини очиб беришда муҳим аҳамият касб этган.

Ўзбек халқ эртакларида бўри образи икки хил талқин этилади. Айрим асарларда бўри инсонга дўст, қаҳрамон бошига оғир кунлар тушганда унга кўмаклашувчи ижобий образ ҳолида берилади. Бўри ҳақидаги эртакларнинг иккинчи турида унинг салбий сифатлари, яъни очкўзлиги, ваҳшийлиги, қотиллиги кабилар кўрсатилади.<sup>5</sup>

Рабғузийнинг мазкур асарида бунга ўхшаш бадий деталларни жуда кўп учратиш мумкин. Ёзувчи ҳар бир лавҳани қиссада қўйилган ғоявий мақсадни очишда Юсуф (а.с) бошига тушажак синовларнинг ибтидо-си сифатида қўллайди. Эرتак қаҳрамонининг кўзлаган мақсади йўлида турли тўсиқларга дуч келиши ва уларни мардонанвор енгиб ўтишини Е.М.Мелитенский синов мотивлари сифатида белгилайди. У синов мотивларини учга ажратган: а) дастлабки синов; б) асосий синов; в) қўшимча синов.<sup>6</sup>

**Дастлабки синовда** бош қаҳрамон ўзининг мард ва жасурлигини намойиш қилади, илоҳий хислатларга эга

бўлган ёрдамчилар топади. Бу билан асосий синовдан муваффақиятли ўтиш учун замин яратади. **Асосий синов** ёки асосий жанг мотиви воқеа оқимида ҳал қилувчи роль ўйнайди. У сюжет чизиғида кульминацион нуқтани белгилайди.

Қуръони Каримдан келтирилган Юсуф (а.с) қиссасини Е.М.Мелитенскийнинг эртакларда учрайдиган синов мотивлари асосида таҳлил қилганимизда Юсуф (а.с)нинг дастлаб акалари томонидан қудуққа ташланиб, сўнг қул сифатида сотилиши илк синов бўлиб, қиссанинг бу чизиғи асосий синовга ўтиш учун восита вазифасини бажаради.

Асосий синов асарнинг кульминацион нуқтаси ҳисобланади. Шу орқали воқеанинг қандай яқун топиши белгиланади. Қисса мисолида кўрадиган бўлсак Юсуф (а.с)нинг Зулайҳо туфайли зиндонбанд қилиниб, бир неча йил зиндонда ётиши асосий синов ҳисобланади. Зулайҳо Юсуфга ошиқу беқарор бўлиб, уни бир уйга қамаб зинога ундайди. Юсуф (а.с) Аллоҳнинг ғазабидан кўрқиб ундан қочаётганда Зулайҳо уни тутаман деб кўйлаги ёқасининг бир парчасини узиб олади. Миср Азизининг дуоси, Аллоҳнинг изни билан тўрт ойлик чақалоқ тилга кириб гувоҳлик беради ва шундай дейди: «Эй Азиз, Юсуфнинг кўнглакнинг ўнги йиртўқ бўлса Зулайҳо кўни, Юсуф ёлгон, агар кўнглакнинг орти йиртўқ бўлса Зулайҳо ёлгон, Юсуф кўни».<sup>7</sup> Ўз-ўзидан ким гуноҳкорлиги маълум бўлади. Лекин шундай бўлса-да Юсуф (а.с) зиндонбанд қилиниб бир неча йил ўша ерда қолиб кетади. Ушбу парчада ҳам эртакка хос унсурларни кўриш мумкин. Тўрт ойлик чақалоқнинг тилга кириб гувоҳлик бериши ҳар бир китобхонни ҳайратга со-

лиши табиий. Бундай ҳолат фақат Аллоҳнинг инояти билангина содир бўлиши мумкин. Бу аксарият ўзбек халқ эртакларига хос тасвир ҳисобланади.

Бош қаҳрамон асосий синовдан ўтиб, озодликка чиққач, унга қўшимча синов рўпара келади. У энди Миср халқини 7 йиллик қаҳатчиликдан қутқаради. Қисса сўнгида Юсуф (а.с) Зулайхога уйланади, акаларини қилган ишлари учун тавба қилдиради, отаси Яъқуб (а.с) билан дийдорлашади ҳамда Миср элининг шоҳи бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, Рабғузий ижодини ўрганиш жараёнида шу нарса аён бўладики, у – закий, истеъдодли ёзувчи. Рабғузий пайғамбарлар ҳақида ҳикоя қилувчи «Қисаси Рабғузий» асарини фольклор намуналари билан безаб, уни мукаммал бадиий асар даражасига кўтаришга муваффақ бўлган. Бунга юқорида биргина Юсуф (а.с) қиссаси мисолида ҳам кўриб ўтдик. Демак, Рабғузий ва фольклор мавзуси илмда махсус ўрганилиши лозим бўлган масалалардан бири, дейиш мумкин.

**Зилола ШУКУРОВА,**  
**Низомий номидаги ТДПУ**  
**аспиранти.**

<sup>1</sup> Қуръони карим. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. Т.: Чўлпон, 1992.

<sup>2</sup> Ҳамидулла Караматов. Қуръон ва ўзбек адабиёти. Т.: Фан, 1993. 62-б.

<sup>3</sup> Уша асар. 62-68-б.

<sup>4</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1990. 109-б.

<sup>5</sup> Ўзбек халқ эртаклари. Т., 1963. 3-4-б.

<sup>6</sup> Е.М.Мелитенский. Поэтика мифа. М., 1976. С. 268.

<sup>7</sup> Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Т.: Ёзувчи, 1990. 127-б.



## Исҳоқхон Ибрат ижодада мумтоз шеърӣй шакллар

Исҳоқхон Ибрат (1862–1937) жаҳид адабиётининг ўзига хос, кўзга кўринган намояндаси сифатида ҳам адабий, ҳам илмий, ҳам ижтимоий фаолияти кенг ижодкордир. Шоир Ибрат 75 йил умр кўрди. Умри давомида бир неча илмий, тарихий, шеърӣй асарлар ёзди. Ибрат ижодининг сўнги даврида 14 та илмий-тарихий, лингвистик асарлар ва 30 йиллик шеърӣй ижодининг гулдастаси бўлган «Девони Ибрат»ни яратди. Унинг тилшуносликка оид «Луғати ситта ал-сина» («Олти тилли луғат»), «Жомеъ ул-хутут» («Ёзувлар мажмуи») асарларидан ташқари тарихга оид «Тарихи фарғона», «Тарихи маданият» ва публицистик руҳдаги «Мезон ул-замон» илмий асарлари маълум.<sup>1</sup> Ибрат қайси жанрда ижод қилмасин, уларнинг яратилишида мумтоз адабий аъёнларга суянган. Бу ижод намуналарида, хусусан, назмий асарларини яратишда Шарқ мумтоз адабиёти тажрибаларидан унумли фойдаланган. Шу туйғайли шоир «Девон»ида мумтоз адабиётнинг барча шакл ва жанрлари ўз аксини толган.

Ибрат серқирра ва сермахсул адиб сифатида жўшқин ижод этди. Шоирнинг мумтоз адабиётнинг **ғазал, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, таърих** каби жанрларида ёзган асарларида муҳаббат, инсонийлик, эзгулик, ҳаётӣйлик, халқчиллик каби қадимий мавзу аъёнлари давом эттирилган.

Ибратнинг шеърлар мажмуасида мумтоз адабиётнинг етакчи жанри бўлган ғазал асосий ўринни эгаллайди. Унинг ғазаллари ҳажмини муқим бир адабда белгилаш қийин, чунки ишқӣй ғазалларининг адади ҳам, ҳажми ҳам у қадар катта эмас. Ибрат мумтоз адабиётдан шоир руҳиятини, турмушдан норозилик кайфиятлари ва танқидий қарашларини енгил руҳдаги ишқӣй ғазаллар таркибига сингдиришни ўрганди: